

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 11/30.12.2019.Tar/Yu/I/S/24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АДИГЕЗАЛОВ АЗЕР НАДИР ОГЛИ

**ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВА ОЗАРБАЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ**

**07.00.05 – Халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат тарихи
07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по историческим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on Historical Sciences**

Адигезалов Азер Надир огли Замонавий халқаро муносабатлар тизимининг шаклланишида Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикасининг ўзаро ҳамкорлиги	3
Адигезалов Азер Надир огли Взаимное сотрудничество Республики Узбекистан и Азербайджанской Республики в условиях формирования современной системы международных отношений	27
Adigezalov Azer Nadir ogli The mutual collaboration of the Republic of Uzbekistan and the Republic of Azerbaijan on the conditions of modern international relations system`s forming	51
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	55

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 11/30.12.2019.Tar/Yu/I/S/24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АДИГЕЗАЛОВ АЗЕР НАДИР ОГЛИ

**ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВА ОЗАРБАЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ**

**07.00.05 – Халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат тарихи
07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Гаг298. рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rektorat@uwed.uz) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нуриддинов Эркин Зухриддинович
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахимов Мирзохид Акрамович
тарих фанлари доктори, профессор

Қирғизбоев Абдугаппор Каримжонович
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузурдаги DSc.11/30.12.2019.Tar/Yu/I/S/24.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «23» декабр соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100077, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54. Тел.: (998971) 267-67-69; факс: (998971) 267-09-00; e-mail: rektorat@uwed.uz).

Докторлик диссертацияси билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (6/18/17 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100077, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54. Тел.: (998971) 267-67-69).

Диссертация автореферати 2021 йил «10» декабр да тарқатилди.
(2021 йил «10» декабр даги 5 рақамли реестр баённомаси).



И.А. Хамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, ю.ф.д., профессор

О.А. Юсупджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, ю.ф.н.

А. Ходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ҳамжмийати XX-XXI асрлар бўсағасида глобаллашув даври бошланганлиги билан характерланувчи туб ўзгаришларни бошидан ўтказди. “Совуқ уруш” нинг тугаши ва жаҳон социалистик тизимининг емирилиши билан боғлиқ дунё миқёсидаги геосиёсий жараёнлар халқаро муносабатларнинг замонавий тизими шаклланишига ёрдам берди. Тарқалиб кетган совет давлати ҳудудида вужудга келган янги мустақил давлатлар ҳақли равишда бу жараёнга тортила бошладилар. Ўзбекистон Республикаси учун ҳам бу ҳолат истисно бўлмади. Бугунга келиб Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг барча субъектлари билан икки томонлама ҳамда кўп томонлама ҳамкорлик асосида тўлақонли халқаро фаолият олиб бормоқда.

Янги мустақил давлатлар иштирокидаги, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси иштирокидаги халқаро муносабатлар ва ҳамкорлик масалалари АҚШ, Европа ва Осиё мамлакатларининг етакчи тадқиқот марказлари илмий қизиқишлари доирасига киради. Жумладан, Америка ташқи сиёсат Кенгаши қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти (САСИ), Дж. Вашингтон номидаги университет ва унинг назоратидаги “Марказий Осиё дастури”, Германиянинг халқаро сиёсат ва хавфсизлик институти, Стокгольм жаҳон илмий-тадқиқот институти, шунингдек, РФА Шарқшунослик институти қошидаги Марказий Осиё, Кавказ ва Урал-Поволжъени ўрганиш маркази (Москва) Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларининг тарихини, иқтисодиётини ва халқаро фаолиятини ўргандилар. Ушбу омиллар ва даврнинг объектив эҳтиёжлари боис Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти масалалари Ватанимиз тарихшунослиги фанида долзарб бўлиб бормоқда. Шу аснода Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўзаро ҳамкорлиги жиҳатларини илмий англаб етиш ҳам ушбу долзарб масалалар сирасига киради.

Халқаро муносабатларнинг ривожланиб бораётган ҳозирги тизимида Ўзбекистон ва Озарбайжон Республикаларининг ўзаро ҳамкорлиги мамлакат раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган ташқи сиёсат стратегияси, тамойиллари ва устуворликларига асосланган. Айни пайтда икки қардош давлатнинг ўзаро алоқалари мамлакат Конституциясида ўз аксини топган ҳуқуқий асосларга қатъий риоя қилингани ҳолда амалга оширилмоқда. Бунинг устига бу алоқалар “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”¹ нинг бешинчи йўналишида баён қилинган асосий қоидаларга тўлиқ мос тушади. Қардош давлатлар ва халқларнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида сўз борганда икки мамлакат раҳбарларининг бу масалага катта эътибор берганликларини таъкидлаб ўтиш лозим. “Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги икки томонлама алоқалар катта истиқболга эга, - деган эди ўша даврда бош вазир лавозимида ишлаган Ш.М.Мирзиёев, Ўзбекистонда Озарбайжон элчихонасининг

¹ Указ Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, за № УП-4947.

янги биноси очилиши маросимида, - чунки алоқаларнинг сиёсий, иқтисодий гуманитар соҳаларда ривожланиб бориши мамлакатларимиз ва халқларимизнинг туб манфаатларига жавоб беради”².

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони, 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3105-сонли “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида”ги ва 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларида, шунингдек, соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” дастурининг устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолияти масалалари ватанимиз тарихи фанидаги нисбатан янги йўналиш сифатида намоён бўлмоқда. Мазкур фаолиятнинг айрим жиҳатлари хорижлик олимларнинг асарларида ўз аксини топган. Шундан келиб чиққан ҳолда мавзуга оид барча илмий адабиётларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

ватанимиз олимлари ўтказган тадқиқотлар;
хорижий олимларнинг илмий асарлари.

Муаммони ўрганиш шартли равишда икки йўналишга ажратилган бўлиб, биринчи гуруҳ тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Биринчи йўналишга мустақилликнинг дастлабки босқичидаги нашрлар киради. Даврий матбуотда ўрганилаётган муаммонинг айрим томонлари қисман ёритилган ёки муаммога шарҳ бериб ўтилган бир қатор мақолалар эълон қилинди. Ушбу нашрларда ҳажми кичик, лекин маълумотларга бой бўлган тадқиқотлар муҳим ўрин эгаллайди. Уларнинг сирасига М.Жамолов, И.Турсунмухамедов, М.Раҳманқулов, З.Убайдуллаев, С.Салихов, Н.Садиқов, Г.Разумовский, И.Тухлиев ва бошқаларнинг илмий мақолалари киради³. Уш-

² Выступление премьер-министра Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева на церемонии открытия нового здания посольства Азербайджана в Узбекистане / Научно-информационная библиотека Национального архивного управления Азербайджанской Республики (далее НИБНАУАЗР). Бакинский рабочий. – 2004. – 30 марта.

³ Жамолов М. Чикиндидан олтин олинади // Иқтисод ва ҳисобот, 1993, № 5. – Б. 18-19; Турсунмухамедов И.Г. Совместные предприятия и проблемы их развития // Общественные науки в Узбекистане. 1993. № 11-12. – С. 22-26; Раҳманқулов М.Х., Убайдуллаев З.С. Формирование системы правового регулирования

бу муаллифларнинг эълон қилинган ишларида Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалари эволюциясининг алоҳида бир жиҳатлари ёритилган.

Иккинчи йўналишни монография кўринишидаги йирик асарлар ташкил қилади. Илмий-тадқиқот ишларининг тадрижий кенгайиб бориши, мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб боришида динамик ривожланаётган жараёнлар ва уларнинг республикадаги ислохотларга таъсири тўғрисидаги илмий-методологик тасаввурларнинг бойиб бориши – бу жараёнларни ҳажми кичик ишларда эмпирик таҳлил қилишдан монография кўринишидаги йирик тадқиқотларга ўтиш имконини берди. Бундай ишлар орасида А.Алимов, М.Бабаходжаев, А.Расулев, А.Бедринцев, А.Акилов, А.Касимов, И.Васькин, С.Шарапова, Э.Нуриддинов, А.Киргизбаев, Л.Бабаходжаева, М.Рахимов, Р.Фармонов бошчилигидаги ҳаммуаллифлик монографиялари, Ш.М.Абдуллаев ва бошқаларнинг асарлари ажралиб туради⁴.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ва халқаро ҳамкорлиги масалаларига бағишланган диссертациялар катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Умуман олганда, бу тадқиқотларда Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати ва дипломатиясининг халқаро муносабатларнинг замонавий тизими шаклланишидаги ўрни ва аҳамияти ўрганиб чиқилган⁵.

внешнеэкономической деятельности Узбекистана // *Общественные науки в Узбекистане*, 1994, № 9-10. – С. 3-7; Салихов С.С. Выйти на внешний рынок // *Экономика и статистика*. 1995. № 5-6. – С.10-12; Садьков Н. Международные фонды поддерживают узбекистанских ученых // *Экономика и статистика*. 1996. № 1. – С. 10-12; Разумовский Г. Государственное регулирование сельскохозяйственного производства в Узбекистане и США // *Экономика и статистика*. 1996. № 6. – С. 32-34; Тухлиев И. Халқаро тажрибаларнинг афзалликлари // *Иқтисод ва ҳисобот*. 1996. № 2. – Б. 16-19 и др.

⁴ Алимов А. *Внешнеэкономическая деятельность Республики Узбекистан: взгляд в будущее*. – Т.: Узбекистан, 1992. – 70 с.; Бабаходжаев М. *Республика Узбекистан: очерки межнациональных и межконфессиональных отношений, внешнеэкономических связей*. – Т.: ТГИВ, 1996. – 262 с.; Расулев А., Бедринцев А., Акилов А. *Узбекистан: внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство*. – Т.: Узбекистан, 1996. – 80 с.; Касымов А., Васькин И. *Основные направления внешней политики Республики Узбекистан*. – Т.: Узбекистан, 1994. – 112 с.; Шарапова С.Ш. *Внешняя политика Республики Узбекистан: культурно-исторический и социальный факторы*. – Т.: Адолат, 2000. – 203 с.; Нуриддинов Э.З. *Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы*. – Т.: Чўлпон, 2002. – 216 с.; Шу муаллиф. *Республика Узбекистан – Япония: грани сотрудничества*. – Т.: ZUXRA BARAKA BIZNES, 2017. – 152 с.; Киргизбаев А.К. *Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги*. – Т.: Фан, 2004. – 280 б.; Бабаходжаева Л. *Международное культурно-гуманитарное сотрудничество Республики Узбекистан*. – Т.: Фан, 2007. – 199 с.; Рахимов М. *Международное сотрудничество Узбекистана в контексте обеспечения стабильности и устойчивого развития в Центральной Азии*. – Т.: Yangi Nashr, 2011. – 232 с.; Шу муаллиф. *Современная история взаимоотношений Узбекистана и стран Центральной Азии с ведущими государствами мира*. – Т., 2016. – 224 с.; *История международных отношений Республики Узбекистан: коллективная монография*. /Отв. ред. Фармонов Р.Ф. / Т.: УМЭД, 2017. – 260 с.; Abdullaev Sh. *Transformation of International System and Geopolitical Identity of Uzbekistan // International Relations: Politics, Economics, Law: Vol. 2017: Iss. 4, Article 3. Pp. 100-108.*

⁵ Жураев Р.Т. *Роль народной дипломатии Узбекистана в международных отношениях*. Автореф. дис. канд. ист. наук. – Андижан, 1998. – 24 с.; Бекмуратов Х.И. *Ўзбекистоннинг Туркия билан иқтисодий ва маданий ҳамкорлиги (1991-2000 йиллар)*. Тарих фан. номз. ... дис. автореф. Т., 2001. – 26 б.; Зиямов Н.Ш. *Роль Узбекистана в развитии межгосударственного экономического и культурного сотрудничества стран Центральной Азии (1991-2001гг.)*. Автореф. дисс... канд. ист. наук. Т., НУУз., 2002. – 26 с.; Табак Г.А. *Роль культурных и исторических традиций во внешней политике Республики Узбекистан*. Автореф. дис. ... канд. полит. наук. – Т., 2004. – 26 с.; Шарапова С.Ш. *Многосторонняя дипломатия Республики Узбекистан: участие в универсальных, региональных и субрегиональных организациях, межгосударственных объединениях*. Дис. ... докт. полит. наук. – Т., 2006. – 278 с.; Раҳимбаева Д.В. *Ўзбекистонда дипломатия хизматининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи (1944–2001 йиллар)*. Ташқи ишлар вазирилик мисолида. Тарих фан. докт... дисс. автореф. – Т., 2007. – 26 б.; Асирбаева К.С. *Республика Узбекистан и Республика Корея: процессы модернизации и*

Иккинчи гуруҳга хорижий муаллифларнинг асарлари киритилди, улар ҳам икки йўналишга бўлинган.

Биринчи йўналишни озарбайжон олимларининг асарлари ва тадқиқотлари ташкил қилади. Ушбу асарларга мурожаат қилиш қардош халқлар ўрта-сида дипломатик, иқтисодий ва маданий алоқаларни йўлга қўйиш масалаларига оид илмий материалларни аниқлаш ҳамда фойдаланиш бўйича озарбайжон ва ўзбек олимларининг концептуал ёндашувларини, бу муносабатларни баҳолашга оид хулосаларини қиёслаш имконини беради.

Озарбайжонлик муаллифлардан И.Х.Алиев, Р.Мехтиев, Н.Мамедзода, Э.Эмир-Ильясова, М.Гасимли, А.Гасанов, Н.Алиев ва Ф.Мамедовларнинг асарларини кўрсатиб ўтиш лозим⁶.

Ўзбекистон ва Озарбайжон халқларининг ўтмишдаги ўзаро алоқаларининг баъзи томонлари, С.Мустафоева ва М.Зейналовларнинг асарларида ёритилган⁷.

Озарбайжон Республикаси ижтимоий-гуманитар фанлари намоёндаларининг мустақил Озарбайжоннинг халқаро фаолиятини алоҳида йўналиш сифатида ўрганишга боғлиқ диссертация тадқиқотлари шубҳасиз эътиборга лойиқ. Ушбу тадқиқотларда Озарбайжон Республикасининг замонавий халқаро муносабатларда ташқи сиёсат ва дипломатияни концептуал амалга ошириш асослари ўрганилади⁸.

перспективы сотрудничества. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. Т., 2007. – 28 с.; Сайфуллаев Д.Б. Мустақиллик даврида Ўзбекистон дипломатиясининг шаклланиши ва ривожланиши. Тарих фан. бўйича фалс. докт. (PhD) Автореф. – Т.: ЎЗМУ, 2017. – 50 б.; Мирзаев Ғ.Р. Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ҳамкорлик алоқаларининг шаклланиши ва ривожланиш тарихи. Тарих фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. Т., 2018. – 180 б. и др.

⁶ Алиев И.Г. Каспийская нефть Азербайджана. – Москва: Известия, 2003. – 712 с.; Мехтиев Р.Э. Азербайджан: вызовы глобализации. – Баку: XXI-YNE, 2004. – 302 с.; Мамед-заде Н. Взаимоотношения Азербайджанской Республики со славянскими странами СНГ и Восточной Европы. – Баку: Ганун, 2006. – 200 с.; Эмир-Ильясова Э.И. Регулирование внешнеэкономических связей Азербайджанской Республики в условиях интеграции в мировую экономику. – Баку: Элм, 2006. – 348 с.; Гасымлы М.Дж. Азербайджан в международных культурных связях (1946-1990 гг.). – Тбилиси: Артанучи, 2005. – 300 с.; Гасанов А. Современные международные отношения и внешняя политика Азербайджана. – Баку: Шарк-Гарб, 2007. – 904 с.; Алиев Н. Нефть и нефтяной фактор в экономике Азербайджана в XXI веке. – Баку, 2010. – 244 с.; Мамедов Ф. Геополитическая идентичность Азербайджана в контексте вызовов и перспектив XXI века // Валдайские записки №62. Февраль, 2017. – 12 с.

⁷ Мустафаева С. Из истории взаимосвязей народов Азербайджана и Туркестана в борьбе против гнета Российской Империи (конец XIX – начало XX вв.). – Баку: Елм вя Тяхсил, 2009. – 168 с. + карта; Зейналова М.Г. Подарки дружбы /Вестник Бакинского Государственного Университета. №2 2009. – С. 174-178; Шу муаллиф. Исторические связи азербайджанского и узбекского народов в XIX-XX веках. Автореферат дис. ... докт. философии по истории. – Баку, 2011. – 26 с.; Шу муаллиф. Обзор исторических и культурных взаимосвязей тюркских народов Центральной Азии и Азербайджана (с древнейших времен до конца XVIII в.) / GLOBAL-Turk, №1/2014. HUMANITIES. – С. 128-145.

⁸ Тагиев М.Р. Совершенствование экономических связей Азербайджана со странами СНГ в условиях становления рыночных отношений. Автореф. дис. ... канд. экон. наук. – Баку, 1996. – 29 с.; Наджафов М.Н. Основные приоритеты дипломатии Азербайджанской Республики на современном этапе. Автореферат дис. ... канд. полит. наук. – Баку, 2004. – 24 с.; Алиева Н.А. Азербайджано-грузинские культурные связи: вторая половина X – начало XXI веков. Автореферат дис. ... докт. философии по истории. – Баку, 2011. – 28 с.; Юсифзаде А.М. Азербайджанская Республика и глобальные политические процессы современности. Автореферат дис. ... докт. полит. наук. – Баку, 2014. – 42 с.; Гидаятлова С.А. Геополитические аспекты Азербайджано-Казахстанского сотрудничества в энергетической и транспортной сферах. Автореф. дис. ... докт. философии по полит. наукам. – Баку, 2015. – 24 с.; Алиев Н.Н. Интеграция Азербайджанской Республики в мировое сообщество: отношения с Европейским Союзом. Автореф. дис. ... докт. философии по политическим наукам. – Баку, 2016. – 23 с. ва бошқалар.

Иккинчи йўналишга яқин ва узоқ хориждаги муаллифларнинг тадқиқ қилинаётган муаммонинг умумий тарихшунослик ҳолатини тўлдирувчи асарлари киритилди. Бундай ишлар қаторида Р.Мирзаев, И.Заславский, Ш.Закиева, И.Болгова асарларини, Л.Вардомскийнинг умумий таҳрири остида чиқарилган коллектив монографияни, М.Тураеванинг асарини алоҳида кўрсатиш мумкин⁹.

Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати масалаларини ўрганишда З.Бжезинский, Г.Киссинджер, С.Хантингтон, Ч.Фэйрбанк, О.Кобанли, А.Зафер Асар, П.Гюрол, С.Фредерик Старр ва Сванте Е.Корнеллинг, шунингдек, бошқа кўплаб коллектив асарлар методологик жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир¹⁰. Бу асарларда ҳозирги замон жаҳон сиёсати етакчиларининг геосиёсий манфаатлари, иқтисодий тараққиётнинг асосий тенденциялари ҳамда давлатларнинг минтақавий ва глобал миқёсдаги ўзаро боғлиқлигига оид бир қатор масалалар ўрганилган.

Келтирилган кенг кўламли адабиётларнинг илмий салмоғини инкор этмаган ҳолда, шуни таъкидлаш керакки, ватанимиз тарихшунослигида ҳам, чет эл тарихшунослигида ҳам, Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг мустақиллик йилларидаги кўп тармоқли ҳамкорлигини акс эттирадиган тадқиқотлар мавжуд эмас. Бу тадқиқотнинг долзарблигини белгилаб берди, ҳамда диссертация мавзусини танлашга хизмат қилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ИТ-34-4-12. – “Мустақиллик йилларида Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт” тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади халқаро муносабатларнинг замонавий тизими шаклланиши шароитларида Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикасининг ўзаро ҳамкорлиги жараёнини комплекс очиб беришдан иборат.

⁹ Мирзаев Р.С. Геополитика нового Шелкового пути. – Москва: Известия, 2004. – 302 с.; Заславский И. Дело труба. Баку–Тбилиси–Джейхан и казахстанский выбор на Каспии. – Москва: Европа, 2005. – 190 с.; Закиева Ш.Б. Интеграция в Центральной Азии и Казахстан.- Монография.- Москва: Научная книга, 2007. – 192 с.; Болгова И.В. Политика ЕС в Закавказье и Центральной Азии. Истоки и становление. – Москва: Навона, 2008. – 184 с.; Национальные особенности проявления мирового финансового кризиса в постсоветских странах / Под общ. ред. Л.Б. Вардомского. – Москва: ИЭ РАН, 2010. – 330 с.; Шу муаллифлар. Социально-экономическое развитие постсоветских стран: итоги двадцатилетия. – Москва: ИЭ РАН, 2012. – 400 с.; Тураева М.О. Транспортная инфраструктура стран Центральной Азии в условиях современной регионализации: Доклад. – Москва: Институт экономики РАН, 2014. – 62 с.

¹⁰ Bzezinski Zb. “A Geostrategy for Eurasia” *Foreign Affairs*, vol.76, no.5. (September-October 1997). – Pp. 50-64; Шу муаллиф. *The Grand Chessboard. American Primacy and its Geostrategic Imperatives*. New York, 1997. – 223 p.; Киссинджер Г. Рецепт хаоса // *США – ЭПИ*. 1994. № 1. – С.77-79; Huntington S.P. *The Clash of Civilization and the remaking of World Order*. New York, 1996. – 367 p.; Fairbanks Ch. *Disillusionment in the Caucasus and Central Asia* // *Journal of Democracy*. – 2001. № 12. – Pp. 49-56; Cobanli O. *Central Asian gas in Eurasian power game* // *Energy Policy*. 2014. 68. – Pp. 348-370; Beneshova I., Smutka L. *The post-soviet countries – development and structure of economy: Is there any potential for future regional integration?* // *Procedia - Social and Behavioral Sciences*. 2016. 220. – Pp. 30-39; Zafer Acar A., Gurol P. *An innovative solution for transportation among Caspian region* // *Procedia - Social and Behavioral Sciences*. 2016. 229. – Pp. 78-87; Frederick Starr S., Svante E.Cornell. *Uzbekistan's new face*. – Washington: Rowman & Littlefield, 2018. - 264 p; China's Global Rebalancing and the New Silk Road. – Berlin, Germany, 2018. - 253 p; Новейшая история Центральной Азии: проблемы теории и методологии. Отв. ред. А. Аликберов, М.Рахимов. – Москва: ИВ РАН. 2018. – 304 с.

Тадқиқотнинг вазифалари. Қўйилган мақсадлар ва тадқиқот концепциясидан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикасининг халқаро муносабатлар тизимига кириш жараёнини кузатиш;

Ўзбекистоннинг Озарбайжон билан давлатлараро ҳамкорлигини ҳуқуқий асосларининг аҳамиятини очиб бериш;

икки давлатнинг геосиёсий ўхшашлик хусусиятларини ёритиб бериш;

ўзбек-озарбайжон муносабатларига ташқи омилларнинг таъсирини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон ҳамда Озарбайжоннинг савдо ва иқтисодиёт соҳасида ривожланаётган ҳамкорлигини таҳлил қилиш;

Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг маданият соҳасидаги ҳамкорлигининг мазмуни, аҳамияти ва ролини очиб бериш;

томонларнинг гуманитар соҳадаги ўзаро алоқаларининг кўп қиррали шакллари аҳамияти ва тажрибасини умумлаштириш, фан, таълим, туризм ва спортнинг маданий-гуманитар ҳамкорликнинг таркибий қисмлари сифатида ривожланиб боришини кузатиш;

назарий таҳлил ва тадқиқотдан келиб чиққан илмий умумлашмалар асосида Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни келгусида мустаҳкамлаш бўйича тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикасининг 1991-2018 йиллардаги давлатлараро муносабатлари тарихи ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикасининг сиёсий-ҳуқуқий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги кўп қиррали ҳамкорлигининг концептуал хусусиятлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда муаммовий-хронологик, тарихий-қиёсий, далилий ва статистик маълумотларни таҳлил қилиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, диссертацияда:

Ўзбекистон ва Озарбайжон муносабатларининг сиёсий, ташкилий-ҳуқуқий асослари очиб берилган, икки давлатга тегишли геосиёсий ва геоиқтисодий вазият кўрсатиб берилган, бу муносабатлар мамлакатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома, стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги Декларация ва бошқа сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилганлиги аниқланган;

икки давлатнинг муштарак ва миллий манфаатларга оид сиёсий ҳамкорлиги ва унинг истиқболлари, шунингдек Ўзбекистон ва Озарбайжон давлатларининг Қорабоғ ва Афғонистондаги муаммоларини ҳал этишда ўхшашлик жиҳатлари очиб берилган;

ТРАСЕКА, Боку-Тбилиси-Карс ва бошқа кенг кўламли транспорт-коммуникацион ва инфратузилмали лойиҳалар мисолида Ўзбекистон ва Озарбайжон геосиёсий ўхшашлиги асослаб берилган, Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг илгари кўриб чиқилмаган халқаро ва минтақалараро энерге-

тик, савдо-иқтисодий “Шарқ-Ғарб”, “Шимол-Жануб” йўналишларида тутган ўрни кўрсатиб берилган;

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги савдо ва иқтисодий соҳалардаги имкониятлар ҳукуматлараро Қўшма комиссиянинг фаолиятида асослаб берилган, бу эса илгари фойдаланилмаган туризм бизнеси, ипакчилик ва пахтачилик каби иқтисодий соҳалардаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва барта-раф этиш имкониятини берган;

икки давлатнинг илм-фан, технология, маданият ва спорт соҳаларида ҳамкорлик қилиш имкониятлари аниқланган, уларнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) ва Туркий давлатлар кенгашидаги иштироки ҳамда маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш истиқболлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ва Озарбайжон республикалари ҳамкорлигининг ривожланиши ва мустақамланишига оид амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

олинган хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, соҳага оид вазирликлар, идоралар, элчихоналарнинг вакиллари ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотларининг Озарбайжон Республикаси билан ўзаро ҳамкорлик қилиш учун дахлдор бўлган бўлимлари ва муассасаларининг чора-тадбирларини ишлаб чиқишда, ташқи сиёсатга оид илмий тадқиқотлар учун таҳлилий маълумотларни тайёрлашда, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари тизимида маъруза, семинар-тренинг машғулотларини ўтказишда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг, “Ўзбекистон-Озарбайжон” дўстлик жамиятининг жорий архивлари фондларидан, Озарбайжон Республикаси Миллий архив бошқармаси*, Озарбайжон Республикаси Давлат статистика қўмитаси каби бирламчи манбалардан олинган материаллардан фойдаланилган. Бундан ташқари тадқиқот иши, мамлакатимизда ва хорижда чоп этилган кенг илмий адабиётлардаги материалларга асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ва халқаро муносабатлари масалалари ўрганиладиган фундаментал илмий асарлар яратишда, мамлакат олий таълим муассасалари учун дарслик ва ўқув қўлланмалари ёзишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот материалларидан Халқаро муносабатлар, Ватан ва Жаҳон тарихидан маърузалар курси ўқишда, мамлакат ташқи сиёсатининг давлатлараро муносабатларнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар

* Афсуски, Озарбайжон Республикаси архив фондларида сақланаётган, мустақиллик даврига оид, хусусан, Озарбайжон ташқи сиёсатига оид маълумотлар махфийлаштирилган. Шунинг учун, муаллиф, озарбайжон томони тавсиясига кўра, Озарбайжон Республикаси Миллий архив бошқармаси илмий-информацион кутубхонаси маълумотларига таянишга мажбур бўлган.

соҳаларда мустаҳкамлашдаги ролини ёритиб беришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шунингдек, Ўзбекистон ва Озарбайжон халқларининг маданий-гуманитар алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда давлат ва жамоатчилик ташкилотларининг фаолиятида диссертация материалларидан кенг фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Замонавий халқаро муносабатлар тизимининг шаклланишида Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикасининг ўзаро ҳамкорлиги бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг Озарбайжон билан муносабатлардаги устувор йўналишларини белгилашда, маданият ва таълим соҳасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларини очиб беришда, икки давлатнинг иқтисодий, маданий, транспорт-коммуникациялари ва энергетика соҳаларидаги ҳамкорлигига доир далилларни аниқлашда фойдаланилган ва “Глобаллашув даврида антропологик инқироз ва уни олдини олиш усуллари” деб номланган мавзусидаги амалий лойиҳада акс эттирилган (2012-2014 йй.) (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 февралдаги 89-03-575-сонли маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги йирик транспорт-коммуникация ва энергетика лойиҳалари бўйича ҳамкорлик (ТРАСЕКА ва Боку-Тбилиси-Карс) мисолида ёритилган, ҳамда икки давлат таълим соҳасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларини очиб беришга хизмат қилган;

Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси қошидаги Ҳ.Алиев номидаги Озарбайжон маданият маркази ва “Ўзбекистон-Озарбайжон” дўстлик жамияти иш фолиятида, давлатлараро ҳамкорликка доир маданий тадбирларни ташкил этишда ва фаол халқ дипломатиясини, шунингдек миллатлараро муносабатлар соҳасидаги вазифаларни бажаришга ва таълимни ривожлантиришга, Қўмитанинг миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини амалга оширишнинг янада кучайишига, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналишида фойдаланишга хизмат қилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари Қўмитасининг 2019 йил 2 апрелдаги № 01-09-483-сонли маълумотномаси). Натижада, Озарбайжон халқининг тарихий ва маданий ютуқларини Ўзбекистонда янада кенгроқ тарғиб қилишга хизмат қилган;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон тарихи” телеканали томонидан 2020 йил 18 январь куни хорижий мамлакатлар маданиятларининг узвийлиги, қадим тарихи, ўзаро уйғун томонлари, анъана, қадриятларнинг ўхшашлиги, бугунга қадар сақланиб келинаётганлиги борасидаги маълумотлардан “Хайрли кун” дастурининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 6 августдаги 02-40-758-сонли маълумотномаси). Натижада, манбаларга асосланган тарихий далиллар, ўзбек телетомошабинларини озарбайжон

халқининг маданий ҳаётига оид янги, аввал тадқиқ этилмаган ҳужжатли ва илмий маълумотлар билан таништирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган: 1 та қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола (8 та халқаро, 5 та республика миқёсида).

Диссертациянинг тузилиши. Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манбалар, адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 184 саҳифани, тадқиқот қисмининг ҳажми 146 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларида белгиланган, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, ишнинг апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

“Ўзбекистон ва Озарбайжон замонавий халқаро муносабатлар тизимига кириш йўлида” деб номланган биринчи бобда Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг мустақил давлатлар сифатида халқаро муносабатларнинг замонавий тизимига кириб келиши кўриб чиқилган. Ушбу бобда Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари шаклланиши жараёни кузатилган. Бу давлатларнинг Марказий Осиёда ва Жанубий Кавказдаги геосиёсий ўхшашлик ва геосиёсий ҳолатига алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, бобда ўзбек-озарбайжон муносабатлари ривожланишига таъсир қилувчи ташқи омиллар таҳлил қилинади.

“Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикасининг халқаро фаолият соҳасига кириши” деб номланган биринчи параграфда совет тузуми қулаганидан сўнг янги мустақил давлатларнинг вужудга келиши билан боғлиқ тарихий жараён ўрганиб чиқилган. Бунда, бошқа ҳар қандай давлатлар сингари, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўзларининг ички ва ташқи сиёсий стратегиясини белгилашда юксак ривожланган мамлакатларда тўпланган тажрибадан кенг фойдаланган ҳолда мавжуд имкониятларидан келиб чиқдилар. Жаҳоннинг саноати юксак тараққий этган мамлакатларининг тарихий тажрибаси шундан гувоҳлик берадики, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг юксак марраларига эришишда кўп жиҳатдан хорижий сармоялар, илғор техника ва технологияларни жалб қилиш билан боғлиқ ташқи омил ёрдам берган. Жаҳон ҳамжамиятида тўпланган тажрибадан келиб чиқиб, Ўзбекистон ва Озарбайжон мустақилликка эришганларидан сўнг, де-

мократик давлат куриш йўлидан бориб, мамлакатларнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб, очиқ ташқи сиёсат юритишга катта эътибор бердилар.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро фаолият соҳасига кириб келиши мамлакат раҳбариятининг ташқи сиёсий йўлнинг асосларини ишлаб чиқиш бўйича фаол хатти-ҳаракатлари билан бир вақтда кечди. Натижада Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг чуқур ўйланган стратегияси, тамойиллари ва устувор йўналишлари ишлаб чиқилди¹¹. Булар мамлакат Конституциясида ўз аксини топган ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўлиқ мос келади.

Лекин Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини янги миқёсга кўтариш заруриятидан келиб чиқиб, Президент Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатнинг пухта ўйланган, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсатини олиб бориш бўйича вазифалар белгиланди. Бу жиҳатлар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналишида ўз аксини топган¹².

Халқаро фаолият соҳасига кириб келишдаги шунга ўхшаш вазият Озарбайжон Республикаси ташқи сиёсий йўлини белгилаш бўйича фаолиятда ҳам кўзга ташланади¹³. Тараққиётнинг ўтиш босқичидаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар бўйича вазифаларни илгари суришда республика раҳбарияти халқаро саҳнага чиқиш, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида фаол ташқи сиёсат юритиш заруратини кўрди.

Мустақил давлат бўлганларидан сўнг ва ташқи сиёсат бўйича ўз стратегияси, тамойиллари ва устувор йўналишларини аниқлаб олиб, Ўзбекистон ва Озарбайжон халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли иштирокчиларига айланишди. Улар, тенг ҳуқуқ ва ўзаро манфаати асосида жаҳон ҳамжамияти субъектлари билан икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни турли йўллар билан ривожлантиришмоқда. Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасида ўрнатилган ва муваффақиятли равишда ривожланаётган кўп қиррали муносабатлар бунга ёрқин мисол бўлиб хизмат қилади.

“Ўзбекистон билан Озарбайжоннинг давлатлараро ҳамкорлиги ҳуқуқий асосларининг шаклланиши” деб номланган иккинчи параграфда икки давлат ўртасида янги геосиёсий шароитлардаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларининг ўрни ва роли кўриб чиқилган.

Икки қардош, мустақил давлатларнинг ўзаро муносабатлари вужудга келишида 1995 йил 2 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилиши муҳим босқич бўлди. Давлатлараро мулоқотни юритишда ва икки мамлакат ҳамкорлиги-

¹¹ Каримов И.А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. – Т.: Узбекистан, 1997. – С. 287-288.

¹² Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». – Т.: Адолат, 2018. – С. 64-65.

¹³ Гасанов А. Современные международные отношения и внешняя политика Азербайджана. – Баку: Шарк-Гарб, 2007. – С. 264-265.

нинг ҳуқуқий асосларига тамал тоши қўйилишида элчихоналарнинг очилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Озарбайжон Республикасининг элчихонаси Ўзбекистон Республикасида 1997 йил июнь ойида¹⁴ ва тегишли равишда Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси Озарбайжон Республикасида 1998 йил июль ойида очилди. Озарбайжоннинг биринчи элчихонаси Марказий Осиё мамлакатлари орасида айнан Ўзбекистонда очилиши Ўзбекистоннинг минтақадаги геосиёсий ролини эътироф этилишини англатишини таъкидлаб ўтиш зарур¹⁵.

Диссертацияда 1991 йилдан 2018 йилгача давлатлар ўртасида жами 8 та “олий даражада”ги ташриф - 4 маротаба Ўзбекистон томонидан (1996 йил 26-27 май, 1998 йил 8 сентябрь, 2008 йил 11-12 сентябрь, 2012 йил 11-12 октябрь кунлари) ва 4 маротаба Озарбайжон томонидан (1991 йил 19 октябрь, 1997 йил 18 июнь, 2004 йил 23-24 март, 2010 йил 11-10 йил 27-28 сентябрь кунлари) амалга оширилганлиги тўғрисидаги маълумот ўз аксини топган. “Олий даражадаги учрашувлар”нинг натижасида бир хил этник илдизларга, ўхшаш маданият ва тарихга эга бўлган икки мустақил республиканинг икки томонлама ва кўп томонлама битимлар доирасида янада яқинлашуви юз берди.

Ўрганилаётган давр орасида Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасида икки томонлама муносабатларнинг барча жабҳаларини тартибга солувчи 130 дан зиёд ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар имзоланган. Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа муносабатларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади. Икки мамлакатнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини муваффақиятли амалга ошириш учун кенг имкониятлар очиб берувчи давлатлараро битимлар орасида қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш лозим: Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома¹⁶, Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик ва шериклик муносабатларини янада ривожлантириш тўғрисидаги Декларация¹⁷, 2004 йил 23 март кунини Тошкент шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасида стратегик шерикликни янада мустақамлаш тўғрисидаги Декларация¹⁸, 2012 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Озарбайжон Республикаси Президентининг шериклик Баёноти¹⁹.

Учинчи параграфда – **“Халқаро тизим трансформацияси ва Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг геосиёсий ўхшашлиги: қиёсий таҳлил”** икки

¹⁴ Правда Востока. – 1997. – 20 июня.

¹⁵ Гасанов А. Современные международные отношения и внешняя политика Азербайджана. – Баку: Шарк-Гарб, 2007. – С. 735.

¹⁶ Текущий архив Управления по сотрудничеству со странами СНГ и России. Азербайджан. Министерство иностранных дел Республики Узбекистан (далее ТА УС СНГ и России. Азербайджан. МИД РУз). Папка – Визит Президента Республики Узбекистан И.А. Каримова в Азербайджан. 11-12 сентября 2008 г. Л. 4.

¹⁷ НИБНАУАЗР // Сборник законодательства Азербайджанской Республики (на азербайджанском языке). Б. 31 декабря 1997. № 6. С. 1299.

¹⁸ ТА УС СНГ и России. Азербайджан. МИД РУз. Папка – Визит Президента Республики Узбекистан И.А. Каримова в Азербайджан. 11-12 сентября 2008 г. Л. 20.

¹⁹ Текущий архив Министерства по делам культуры и спорта Республики Узбекистан. Ф. М-38. Оп. 1. Ед. хр.1683. Л. 230.

давлатнинг жўғрофик, тарихий, маданий–лингвистик ва диний компонентларига асосланган кўп қатламли геосиёсий ўхшашлиги ҳақида сўз боради. Икки давлат ўзининг жўғрофик қулай жойлашганлиги боис Европа ва Осиё ўртасида ўзига хос кўприк бўлиб хизмат қилади, геосиёсий ўхшашлиги уларнинг евроосиёлик ўзига хослигининг асосий омилдир. Ўзбекистон ва Озарбайжон ЕИ давлатлари билан ўзаро илиқ муносабатларни ривожлантириш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратадилар. Бу билан бирга икки давлат ЕИ давлатлари билан муносабатларини халқаро ҳуқуқий қоида ва постулатларга таянган ҳолда ва ҳар хил сиёсий ёки ҳарбий блоklarга қўшилмаган ҳолда, тенг ҳуқуқийлик асосида ўрнатишга ҳаракат қиладилар.

Ўзбекистон ва Озарбайжон тарихан Россия империясига, сўнг ССРИ таркибига кирган, ҳозирда эса – МДҲ га аъзо. Иккала давлат ҳам ўзларининг қизиқиш ва интилишларини собиқ Иттифоқ давлатлари билан сиёсий ва иқтисодий муносабатлари контекстида амалга оширишда МДҲ майдонидан фойдаланадилар.

Ўзбекистон ва Озарбайжон маданий, лингвистик ва цивилизацион нуқтаи назардан туркий дунёга киради. Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб икки давлат туркийзабон давлатларнинг интеграция жараёни ва ҳамкорлигида иштирок этишмоқда. Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг геосиёсий ўхшашлигининг маданий-лингвистик тамойили уларнинг туркий халқлар билан самарали ва конструктив сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги манфаатли ҳамкорлиги, учинчи давлатларга зарар етказмай амалга оширилади.

Диний жиҳатдан, Ўзбекистон сингари, Озарбайжон ҳам ислом цивилизациясининг бир қисмидир. ИХТ доирасида иккала давлат турли маданий-таълим ва туристик лойиҳалар ташаббусқори сифатида ўрин тутди. Ҳар хил масхабларда бўлишларига қарамай, бу икки давлатнинг исломий ўхшашлик ва ҳамроҳлигига путур етказмайди.

“Ўзбек-озарбайжон муносабатлари ривожланишига ташқи омилларнинг таъсири” деб номланган тўртинчи параграфда, Ўзбекистоннинг Ўрта Осиёдаги ва Озарбайжоннинг Жанубий Кавказдаги геосиёсий ҳолати ўрганилган. Икки давлатнинг ўз минтақаларида кучлар мувозанати ва балансини таъминлашдаги сезиларли роли, уларнинг табиий ва хомашё ресурслари, бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида нафақат ички ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда, балки кенг қамровли ташқи сиёсатни амалга оширишдаги аҳамияти кўрсатилган.

Параграфда асосий урғу ташқи омилларнинг ўзбек-озарбайжон муносабатлари ўрнатилиши ва ривожланишидаги таъсирига қаратилган. Шундай қилиб, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги кўп қиррали стратегик ҳамкорлик, Россия, АҚШ, ЕИ, Хитой, Туркия, Эрон ва бошқа халқаро муносабатлар йирик иштирокчиларининг Марказий Осиё ва Жанубий Кавказда ўзаро тўқнашуви контекстида ривожланиб боради. Шу муносабат билан, “катта ўйин” иштирокчилари қарашлари ва манфаатлари таҳлил қилинади, уларнинг ўз геосиёсий амбицияларини тарқатиш учун кураши кузатилади.

Бундан ташқари, катта миқдордаги углеводород ресурслари захирасига эга бўлган, савдо-транспорт йўллари кесимида жойлашган Каспий мин-

тақасининг ушбу жараёндаги ўрни ёритилган. Озарбайжон, Қозоғистон, Туркменистон, Россия ва Эрон Каспий бўйидаги асосий энергия ишлаб чиқарувчи давлатлар ҳисобланадилар. Ўзбекистон Каспий денгизи қирғоғида жойлашмаганига қарамай, уни ҳам булар қаторига киритишади²⁰. Бу эса, бир тарафдан, Ўзбекистоннинг ҳудудий жиҳатдан каспийбўйи давлатлари билан углеводород бассейनларини бўлишиши, иккинчи тарафдан, Озарбайжон билан тузилган нефть ва газ етказиб берилиши борасидаги келишувга кўра, Озарбайжон томонидан Ўзбекистонни ўзининг стратегик ҳамкори сифатида минтақавий геосиёсий жараёнларга жалб қилиши билан тушунтирилади.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикалар ўртасида иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик”** деб номланган иккинчи бобида савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланиш босқичлари ва ҳолати, сармоялар киритишдаги вазият, шунингдек, Ўзбекистон ва Озарбайжонда қўшма корхоналарнинг тузилиши ва фаолият юритиши жараёнлари мавжуд битимлар асосида ўрганиб чиқилган.

Иккинчи бобнинг **“Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг савдо ва иқтисодий соҳасидаги ҳамкорлиги”** деб номланган биринчи параграфиди икки давлатнинг савдо-иқтисодий ҳамкорлигининг ҳолати ёритилган. Бу алоқаларнинг йўлга қўйилишида ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро Қўшма комиссиянинг ва бошқа бир қатор давлат тузилмаларининг фаолияти муҳим ўрин тутди. Икки мамлакатнинг бу соҳадаги ўзаро муносабатларини ўрганишда Транскавказ транспорт йўлаги яратилиши билан боғлиқ ТРАСЕКА лойиҳасига алоҳида эътибор берилди. Бу лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг савдо-иқтисодий алоқаларининг ривожини учун муҳим аҳамиятга эга. Масалан, агар 1996 йили Транскавказ йўлаги бўйича Ўзбекистоннинг ташилган экспорт-импорт юклари қарийб 140 минг тоннани ташкил қилган бўлса, 2000 йилга келиб бу 224 минг тоннадан иборат бўлди²¹. Бунда асосий транзит юклар нефть маҳсулотлари ва пахта бўлди. Бундан ташқари келгусида юк ташиш ҳажмларини ошириш мақсадида ТРАСЕКА дастури доирасида Боку-Тбилиси-Карс темир йўли қурилди. Бу йўлдан 2018 йилнинг 9 ойи мобайнида ташилган юкларнинг умумий ҳажми 2803,8 минг тоннани ташкил этди, бунинг 86 фоизи транзит юклар бўлиб, 2397,5 минг тонна бўлди²².

Параграфда асосий эътибор икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар, савдо алоқаларининг даражаси, аҳволи, маҳсулотлар турлари ва тузилишининг таҳлилига қаратилди. Томонлар иқтисодий алоқаларининг ёрқин кўрсаткичи бўлган товар айланмасининг аҳволи ва динамикаси ўрганилди. Масалан, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги 1997 йилги товар айланмаси 23,5 миллион АҚШ долларига, 2004 йили 153,1 миллион АҚШ долларига, 2005 йили 135,8 миллион АҚШ долларига, 2011 йил якунларига кўра бу кўрсаткич 86,6 миллион АҚШ долларига, 2017 йили эса 30,6 миллион АҚШ долларига тенг бўлди.

²⁰ Алиев И.Г. Каспийская нефть Азербайджана. – Москва: Известия, 2003. С. 162.

²¹ Центральный государственный архив Республики Узбекистан (далее ЦГА РУз). Ф. М-7. Оп. 1. Ед. хр. 722. Л. 64.

²² НИБНАУАЗР / Бакинский рабочий. – 2018. – 31 октября.

2018 йилга келиб икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси 43,9 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, бундан Ўзбекистондан қилинган импорт 34,6 миллион АҚШ долларига, экспорт эса 9,4 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Ижобий сальдо Ўзбекистон фойдасига 25,2 миллион АҚШ долларини ташкил қилди²³.

Шундай қилиб Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги товар айланмасининг динамикаси сакраш тарзида бўлиб, энг юқори босқичи 2004 (153,1 миллион АҚШ доллари) ва 2005 йилларга (135,8 миллион АҚШ доллари), энг кам кўрсаткич эса 2000 (7,8 миллион АҚШ доллари) ва 2001 йилларга (12,3 миллион АҚШ доллари) тўғри келди. Бу ҳолат шу билан изоҳланадики, икки томонлама муносабатларнинг юксалиш даврида савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг анъанавий соҳаларидан ташқари мамлакатлар томонидан самолётлар, йўловчи ташувчи автобуслар, махсус техника ва тракторлар, шунингдек юк ва енгил автомобилларни сотиш-ҳарид қилиш бўйича йирик битимлар ҳам амалга оширилган. Кўрсаткичларнинг пасайиши даврида мамлакатлар товарларнинг анъанавий рўйхатига асосан савдо-сотик қилиш билан чекландилар, бундан ташқари товарларни ташишда мамлакатлар учинчи давлатларнинг худудини босиб ўтишда қўшимча бож ва тўловлар муаммосига дуч келдилар, бу икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларига таъсир қилмасдан қолмади.

2016-2017 йилларга келсак, товар айланмасининг нисбатан пасайиши Озарбайжон раҳбарияти ва ишбилармонлар доираларининг ҳодисалардан илгарилаб кетмаган ҳолда Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатидаги ўзгаришларни кузатишлари билан изоҳланади, 2018 йилга келиб бу соҳадаги алоқалар янада юксалди.

Бугунга келиб Ўзбекистон Озарбайжонга замонавий енгил ва юк автомобиллари, йўловчи ташувчи автобуслар, қишлоқ хўжалик техникаси, электр техникаси ҳамда кимё маҳсулотларининг кўплаб турларини, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, цемент, қурилиш моллари, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотлар етказиб беради²⁴.

Озарбайжоннинг Ўзбекистонга экспорти асосан механик асбоб-ускуналар, дори-дармонлар, пластмасса, шакар, қандолатчилик маҳсулотлари, турли органик ва кимёвий бирикмалар, тери ошловчи ва бўёқ экстрактларидан иборатдир²⁵.

“Икки мамлакат ўртасида инвестициялар ривожини ва кичик тадбиркорлик соҳасидаги ҳамкорлик” деб номланган иккинчи параграфда Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг 1996 йил 27 май куни сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш тўғрисида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида имзоланган Келишувга²⁶ асосан инвестициялар киритиш ва икки томонлама инвестициялар сиёсати тўғрисида сўз боради. Қўшма корхоналарнинг вужудга келиши ва ривожланиши жараёнида, кичик тадбиркорликнинг

²³ Государственный комитет статистики Азербайджанской Республики.

²⁴ Народное слово. – 2012. – 16 октября.

²⁵ Народное слово. – 2010. – 28 сентября.

²⁶ ЦГА РУз. Ф. М-7. Оп. 1. Ед. хр. 722. Л. 68.

ташқил топишида миллий кўргазмалар, Савдо уйлари ва “давра суҳбатлари” нинг ўрни ва ролига алоҳида эътибор берилади.

Икки мамлакатда кичик тадбиркорликнинг вужудга келиши ва ривожланишида қўшма корхоналар муҳим роль ўйнайди. Агар 1996 йилда Ўзбекистонда иккита Ўзбек-Озарбайжон қўшма корхонаси - “Тюнел” ва “Кондиционер” фаолият юритган бўлса, 1999-2000 йилларга келиб иккита хусусий ва озарбайжонлик сармоядорлар иштирокидаги 5 та қўшма корхона мавжуд эди. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида Озарбайжоннинг йўловчилар ва юкларни ҳаво йўллари орқали ташувчи “ИМЭЙР” фирмаси рўйхатдан ўтказилган, таъсисчиси “Ўзсавдоинвест” очиқ ҳиссадорлик жамияти бўлган “Ўзбекистон” савдо уйи Озарбайжонда рўйхатга қўйилган²⁷.

2010 йилга келиб Ўзбекистон Республикасида озарбайжонлик сармоядорлар иштирокидаги 34 та корхона ва 100 % хорижий сармояга эга 3 та корхона фаолият юритган. 2008 йилдан буён Бокуда “Ўзавтосаноат” ҳиссадорлик жамияти ишлаб чиқарган автомобилларни сотишга ихтисослаштирилган “ЎЗДЭУ Боку-авто” масъулияти чекланган жамият ишламоқда²⁸. 2010 йили Озарбайжон ҳудудида Ўзбекистон Республикаси резидентлари иштирокида тузилган 10 та корхона рўйхатга олинган.

2017 йили Ўзбекистонда Озарбайжон сармояси иштирокида 89 та корхона ўз фаолиятини амалга оширган. Шулардан 76 таси – масъулияти чекланган жамият; 6 таси қўшма корхона; 4 таси 100 % хорижий сармояга эга корхона; 2 та шўъба корхонаси; 1 та нодавлат таълим муассасасидир²⁹.

2018 йилга келиб Ўзбекистонда 84 та озарбайжон корхонаси ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Шулардан 71 таси қўшма корхона ва 11 таси 100 % хорижий сармояга эга. Ҳамкорликнинг асосий соҳалари – савдо, машина-созлик ва металлга ишлов бериш, молия ва суғурта, кўчмас мулк савдоси, энергетика, хизматлар соҳаси, заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ва таъмирлаш, озиқ-овқат соҳаси, енгил саноат³⁰.

Ўз навбатида Озарбайжонда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясининг ва Ўзбекистонда “Равон” савдо белгиси остида енгил автомобилларнинг бир неча моделини ишлаб чиқаришда етакчи ҳисобланган “Ўзавтосаноат” ҳиссадорлик жамиятининг, шунингдек юқори сифатли ва рақобатбардош электр техникаси маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “Артель” компаниясининг ваколатхоналари фаолият юритмоқда³¹.

Шундай қилиб, 2017 йилга нисбатан 2018 йилда Озарбайжон корхоналари сони бироз қисқарган бўлсада, бу умумий ҳолатни ўзгартирмаган. Ўзбекистон-Озарбайжон савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда қўшма корхоналар ўзларининг самарали фаолиятини давом эттирмоқдалар.

Қўшма корхоналардан ташқари инвестиция сиёсати ва кичик тадбиркорликнинг вужудга келишида миллий кўргазмалар, “давра суҳбатлари”,

²⁷ ЦГА РУз. Ф. М-7. Оп. 1. Ед. хр. 722. Л. 10.

²⁸ ТА УС СНГ и России. Азербайджан. МИД РУз. Папка – Визит Президента Республики Узбекистан И.А. Каримова в Азербайджан. 11-12 сентября 2008 г. Л. 39.

²⁹ Государственный комитет по статистике Республики Узбекистан.

³⁰ http://xs.uz/ru/post/azer_embass

³¹ <https://kun.uz/ru/news/2018/09/08/ekskluziv-intervu-s-poslom-uzbekistana-v-azerbajdzane-serzodom-fajziyevym>

савдо уйлари муҳим роль ўйнайди, улар иқтисодий салоҳият ва имкониятлар тўғрисидаги маълумотлар билан ўзаро алмашиш, савдо шартномаларини ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимларни тузишда ёрдам беради.

Бугунги кунда ўзаро сармоялар киритиш соҳасида ҳамкорликни вужудга келиши ва ривожланишида эркин иқтисодий зоналарга ҳам катта аҳамият берилади. Бу маънода 17 та ЭИЗ, шунингдек, ҳозирги замон иқтисодиётининг драйверлари ҳисобланадиган 47 та саноат зонаси тузилганлигини эслатиб ўтиш лозим. Уларнинг ҳудудида сармоядорлар учун энг қулай шароитлар яратилган бўлиб, тўқимачилик, кимё, қурилиш, мебель, озиқ-овқат, электр техникаси ва ички ҳамда ташқи бозорда харидоргир бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган³².

Диссертациянинг **“Ўзбекистон ва Озарбайжон республикалари халқларининг маданий-гуманитар соҳадаги ўзаро ҳамкорлиги”** деб номланган учинчи бобида маданият, фан, таълим, туризм ва спорт соҳасидаги икки томонлама ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилади. Шунингдек, Озарбайжон диаспорасининг икки қардош мамлакат халқларининг маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлигини ривожлантиришдаги ўрни ва роли ёритилади.

“Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг маданият соҳасидаги ҳамкорлиги” деб номланган биринчи параграфда икки давлатнинг самарали ҳамкорлигини давомли тарзда амалга ошириш учун ишлаб чиқилган бир қатор дастурлар таҳлил қилинади, шунингдек, маданий соҳадаги икки томонлама алоқаларни йўналишлари ва хусусиятлари ҳаётга тадбиқ қилинади. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг ўзбек халқининг хорижий мамлакатлар, хусусан Озарбайжон Республикаси билан маданият соҳасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш ишидаги ўзига хос роли таъкидлаб ўтилади.

Ўзбек ва озарбайжон халқларининг маданий алоқаларини мустаҳкамлашда маданият марказлари ёрдам беради. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 7 та Озарбайжон маданият марказлари фаолият юритмоқда, улар Бухоро, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида жойлашган. Маданият марказлари фаолиятини мамлакатимизда 2003 йилда тузилган Озарбайжон маданият марказлари уюшмаси мувофиқлаштиради³³.

Шу билан бирга, икки мамлакат халқларининг маданиятлараро мулоқотини амалга оширишда 2004 йилда Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳузурида Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият марказининг очилиши ҳақиқий катта аҳамиятга эга ҳодиса бўлди. Мазкур марказда 3 та музей (Ҳ.Алиев номидаги музей, Озарбайжон ва Ўзбекистон дўстлиги музейи, Озарбайжон давлатчилиги тарихи музейи), рақс, мусиқа, рассомлик тўғараклари, информатика ва озарбайжон тили курслари фаолият юритмоқда. Марказ қошида шунингдек “Озарбайжон қизлари” рақс гуруҳи ва “Озарбайжон” чолғу мусиқа гуруҳи тузилган³⁴.

Икки мамлакат халқлари маданий-маънавий қадриятларини ўзаро бойитишга “Ўзбекистон-Озарбайжон” дўстлик жамияти ҳам ўзининг бебаҳо

³² <https://kun.uz/ru/news/2018/09/08/ekskluziv-intervu-s-poslom-uzbekistana-v-azerbajdzane-serzodom-fajzievym>

³³ www.uzembassy.az

³⁴ http://azculture.uz/our_projects.html

ҳиссасини қўшмоқда. Ўзбекистондаги Ҳ.Алиев номидаги маданият маркази билан яқиндан алоқа қилувчи ушбу Жамият ташаббуси билан, икки мамлакат учун аҳамиятга молик ҳодисалар ва тарихий саналарга бағишланган оммавий маданий тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб турилади. Масалан, 2012 йилда Жамиятнинг ташаббуси билан буюк озарбайжон ёзувчиси, шоири ва драматурги Хусайн Жовиднинг 130 йиллик юбилейи кенг нишонланди³⁵. Ўзбекистондаги Ҳ.Алиев номидаги Озарбайжон маданият маркази қўллаб-қувватлаши натижасида эса 2014 йилда “Ўзбекистон-Озарбайжон” дўстлик жамияти делегациясининг Озарбайжон Республикасига ташрифи ташкил қилинди³⁶. Ташрифдан мақсад озарбайжон жамоатчилигини ўзбек халқининг маданий-маънавий кадриятлари билан таништириш бўлди.

Ҳозирги босқичда ўзбек ва озарбайжон халқлари ўртасида кенг миқёсда ўзаро алмашинув дастурларининг амалга оширилиши “халқ дипломатияси” деб аталувчи дипломатияни ривожлантириш ва такомиллаштиришга бевосита ёрдам берди. Бу икки мамлакатнинг ёзувчилари, шоирлари, адабиётчилари, кино, мусиқа, театр ва тасвирий санъат арбобларининг учрашувларида ўз аксини топди.

Учинчи бобнинг *“Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг гуманитар соҳадаги алоқалари (фан, таълим, туризм, спорт)”* деб номланган иккинчи параграфида Ўзбекистон ва Озарбайжон ҳамкорлигининг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Озарбайжон Республикаси ҳукумати ўртасида фан, техника ва ахборот соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисида 1996 йил 27 май куни имзоланган Келишувга³⁷, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Озарбайжон Республикаси ҳукумати ўртасида 2001-2010 йилларда иқтисодий ҳамкорлик қилиш Дастурининг бешинчи бандига асосланган гуманитар ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилади. Дастурнинг бешинчи банди - ижтимоий соҳада ҳамкорлик деб номланиб, соғлиқни сақлаш ва санитар-эпидемиологик вазиятни яхшилаш, дори-дармон воситалари ва тиббий техника ишлаб чиқариш, маданият ва санъат, жисмоний маданият, спорт, санитар-курорт иши, туризм ва меҳнат муҳофазаси, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, шунингдек турли соҳалар учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар, олимлар, аспирантлар ва талабалар алмашинуви каби масалаларни қамраб олади³⁸.

Гуманитар ҳамкорликни мустаҳкамлашда Ўзбекистондаги озарбайжон диаспораси шубҳасиз, катта роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 май куни чиқарилган “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”³⁹ ги Фармонида мувофиқ Ўзбекистон ҳукумати этник озарбайжонлар диаспорасини қўллаб-қувватлашга, уларни ҳар томонлама ижтимоий, маънавий ва маданий ривожланиши масалаларига алоҳида

³⁵ Текущий архив Общества дружбы «Узбекистан-Азербайджан». – Папка отчетов за 2012 год. С. 134.

³⁶ Текущий архив Общества дружбы «Узбекистан-Азербайджан». – Папка отчетов за 2014 год. С. 95-97.

³⁷ ЦГА РУз. Ф. М-7. Оп. 1. Ед. хр. 333. Л. 82.

³⁸ ЦГА РУз. Ф. М-7. Оп. 1. Ед. хр. 722. Л. 82.

³⁹ Народное слово. – 2017. – 20 мая.

эътибор беришда давом этмоқда. Бу ўз навбатида миллий маданиятни, она тилини, урф-одат ва анъаналарни сақлаш ва ривожлантиришга имкон беради.

2012 йилга келиб Ўзбекистоннинг турли вилоятларида 40 мингдан зиёд озарбайжон яшар эди⁴⁰. Бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 62 мингдан зиёдга ўсди, шу жумладан Тошкент шаҳрида 15 мингга яқин озарбайжон яшайди. Озарбайжонлар Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида зич яшайдилар⁴¹.

Икки мамлакатнинг гуманитар соҳадаги ҳамкорлигида фан ва таълим соҳасидаги ўзаро алоқалар алоҳида ўрин эгаллайди. Олимлар ҳамда илмий марказлар, шунингдек, Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро муносабатларни муваффақиятли амалга ошириш йўлида имзоланган битимлар пакети катта ёрдам бермоқда⁴².

Масалан, Ўзбекистон Республикаси пахта селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти ва Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти бир томондан, Озарбайжон пахтачилик илмий-тадқиқот институти иккинчи томондан пахта ва буғдойнинг иккала мамлакатнинг агроиқлим шароитларига мос келувчи навларини яратиш, бошоқли ва дуккакли ўсимликларни гибридлашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш бўйича ҳамкорликда фаол тадқиқотлар олиб боришмоқда, боғдорчилик, узумчилик ва шароб тайёрлаш бўйича ўзаро тажриба алмашинмоқда⁴³. Ўзбекистон ФА Самарқанд бўлими ва Озарбайжон давлат нефть академияси олимлари “Чукур конларни қазиб олишнинг гидродинамик асослари” мавзусида лойиҳа ишлаб чиқиш бўйича яқиндан алоқалар ўрнатдилар⁴⁴. Ўзбекистон ФА Физика-техника институти ва Озарбайжон Авиация Миллий академияси “Галлий арсениди асосидаги асбоб-ускуналар янги авлодини яратиш ва оптоэлектрик характеристикасини тадқиқ қилиш” мавзусида янги технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг янги авлодини ўрганиш соҳасида биргаликда изланишлар олиб боришмоқда⁴⁵.

Икки мамлакатнинг илмий алоқалари замонамизнинг долзарб масалалари бўйича турли илмий конференциялар ўтказиш орқали ҳам амалга оширилмоқда. Масалан, 1992 йилда Боку шаҳрида “Яқин ва Ўрта Шарқ меъморчилиги” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди⁴⁶. 2009 йилнинг октябрь ойида Темурийлар тарихи давлат музейида Озарбайжон ва бошқа мамлакатларнинг илмий-тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртиларидан келган

⁴⁰ Правда Востока. – 2010. – 25 сентября.

⁴¹ Правда Востока. – 2010. – 25 сентября.

⁴² Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Азербайджанской Республики о сотрудничестве в области науки, техники и информации от 27 мая 1996 года; Соглашение Государственного комитета Республики Узбекистан по науке и технике, Академии наук Республики Узбекистан и Государственного комитета Азербайджанской Республики по науке и технике, Академии наук Азербайджанской Республики; Соглашение между Министерством народного образования Республики Узбекистан и Министерством народного образования Азербайджанской Республики и другие.

⁴³ ЦГА РУз. Ф. М-7. Оп. 1. Ед. хр. 722. Л. 15.

⁴⁴ ЦГА РУз. Ф. М-7. Оп. 1. Ед. хр. 722. Л. 16.

⁴⁵ ТА УС СНГ и России. Азербайджан. МИД РУз. Папка – Визит Президента Республики Узбекистан И.А. Каримова в Азербайджан. 11-12 сентября 2008 г. Л. 65.

⁴⁶ Саламзаде Э. Взаимосвязи искусствознания Узбекистана и Азербайджана// Санъат-Арт-Искусство. 2010. № 1. – С. 37.

етакчи олимлар иштирокида “Темурийлар тарихи бўйича манбалар: тавсиф, таржималар, тадқиқотлар” мавзусидаги илмий-амалий конференция бўлиб ўтди⁴⁷.

Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг таълим тизимидаги илмий ютуқлар билан ўртоқлашиши, семинарлар ташкил қилиши, тадқиқотлар натижалари ва тажрибалар алмашишига икки мамлакатнинг илмий муассасалари ўртасида ўрнатилган алоқалар ёрдам бермоқда. Жумладан: Озарбайжон давлат педагогика университети (ОДПУ) ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети (ТДПУ) ўртасида 2013 йил 18 декабрда имзоланган Меморандум; Ўзбекистон ва Озарбайжон илмий тиббий кутубхоналари ўртасида 2014 йил 11 январь куни имзоланган Меморандум; Камолиддин Бехзод номидаги Ўзбекистон миллий рассомлик ва дизайн институти ва Озарбайжон Бадиий академияси ўртасида 2014 йил 25 апрелда имзоланган Меморандум⁴⁸ ва бошқалар.

Гуманитар соҳадаги ҳамкорликнинг ажралмас қисми туризм бўлиб, у халқларнинг яқинлашишига ва маънавий қадриятларини англаб етишга кўмаклашади. Бу соҳада “Ўзбектуризм” Миллий компанияси томонидан маълум бир ишлар амалга оширилган. Ўзбекистон ва Озарбайжон ҳукуматларининг 1996 йил 27 май куни Бокуда имзоланган “Туризм соҳасидаги ҳамкорлик”⁴⁹ келишувидан келиб чиқиб, туристлар алмашувини кенгайтиришга йўналтирилган туристлар форумлари, конференциялар ва экспертлар учрашувлари ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги гуманитар ҳамкорликнинг яна бир йўналиши жисмоний тарбия ва спортдир. Бу соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари икки мамлакат ҳукуматларининг 1996 йилда имзолаган “Маданият ва гуманитар соҳада ҳамкорлик тўғрисида”⁵⁰ги, шунингдек “Спорт соҳасида ва ёшлар ишлари тўғрисида”⁵¹ги битимлардир. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ томонлар спорт ташкилотлари, жамиятлар ва клублар ўртасида бевосита ҳамкорликни ривожлантиришда, мусобақалар ўтказиш, спортчилар ва мураббийлар, илмий-методик маълумотлар билан алмашиш, халқаро мусобақаларда иштирок этиш тажрибаси билан ўртоқлашишмоқда. Шу тариқа Ўзбекистон ва Озарбайжон спортчилари икки мамлакатнинг гуманитар соҳадаги ҳамкорлигини янги мазмун билан бойитишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

ХУЛОСА

Келтирилган маълумотлар ўзбек-озарбайжон кўп қиррали стратегик ҳамкорлигининг ҳуқуқий, геосиёсий ўхшашлик, савдо-иқтисодий ва кенг қўламли инфраструктив лойиҳаларда иштирок этишга йўналтирилган, шу-

⁴⁷ Народное слово. – 2009. – 22 октября.

⁴⁸ Текущий архив Общества дружбы «Узбекистан-Азербайджан». – Папка отчетов за 2013 год. С. 78.

⁴⁹ ЦГА РУз. Ф. М-7. Оп. 1. Ед. хр. 333. Л. 84.

⁵⁰ ЦГА РУз. Ф. М-7. Оп. 1. Ед. хр. 722. Л. 69.

⁵¹ ЦГА РУз. Ф. М-7. Оп. 1. Ед. хр. 722. Л. 70.

нингдек, маданий-гуманитар тамойилларга асосланганлигини аниқлаб беради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик учинчи давлатлар қизиқишларини уйғотади. Масалан, Россия Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ минтақаларидаги иштироки орқали ўзининг геосиёсий қизиқишларини қондиришга ҳаракат қилади, чунки МДХ нинг Россия атрофидаги интеграцияси унинг ташқи сиёсати устуворлигини оширади. АҚШ, ЕИ ва Хитой икки томонлама ҳамкорликка йўналтирилганлигига қарамай, икки минтақанинг битта иқтисодий майдонда интеграция ва ҳамкорлик йўллари мустақамлашга ҳаракат қилади, бунда ҳар бир ташқи кучлар, албатта, ўз манфаатини ҳимоя қилади. Хитой АҚШ ва Россия ўртасидаги минтақаларга таъсири туфайли вужудга келиши мумкин бўлган тўқнашувлар олдини олувчи омил бўлиб хизмат қилади, ўз навбатида, ХХР Россия билан келишуви туфайли бу йўналишда ўзининг ҳаракатларини тўлақонли ишга сололмайди. Туркия ва Эрон, Россия, АҚШ, ЕИ ва Хитойга нисбатан жўғрофик, маданий-тарихий ва этник жиҳатдан устунликларга эга бўлишига қарамай, уларга нисбатан иқтисодий заифроқ ҳисобланадилар.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги кўп қиррали икки томонлама ҳамкорликни акс эттирадиган геосиёсий ўхшашлик, йирик иштирокчиларнинг Марказий Осиё ва Жанубий Кавказдаги халқаро жараёнлардаги қизиқишлари тўқнашуви контекстида ривожланмоқда.

Тадқиқот доирасида иқтисодий ва савдо алоқалар даражаси, товарлар тузилиши ва номенклатураси, икки давлат ўртасидаги товар алмашинуви ҳолати, ТРАСЕКА лойиҳасининг ишлаши ҳақида маълумотлар келтирилган. Транскавказ транспорт коридори, Боку-Тбилиси-Карс темир йўл йўналишларининг ташкил этилиши, нафақат икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни мустақамлайди, балки уларнинг бутун жаҳон ҳамжамияти билан муносабатларини ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

Ўз навбатида, ўзбек-озарбайжон маданий-гуманитар ҳамкорлиги – бу Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги муносабатларни умумий жиҳатдан, ҳамда икки халқ ўртасидаги алоқаларни юксалтиришдаги асосий омиллардан биридир.

Бизнинг фикримизча, ўзбек-озарбайжон муносабатлари келажакда ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолади. Бундай икки томонлама алоқалар ривожланиши башорати қатор сабабларга эга:

А) Стратегик ҳамкорлик, геосиёсий ўхшашлик, тенгҳуқуқлилиқ ва конструктивизм, сиёсий ва ҳарбий альянсларга қўшилмаслик, ташқи сиёсий векторлар ва бутунжаҳон халқаро-сиёсий жараёнларга қарашларининг ҳослиги, ўзбек-озарбайжон иттифоқининг келажакда ҳам кафолати бўлиб хизмат қилади.

Б) Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги йирик инфраструктив лойиҳалар, кўптармоқли ташкилотлар ва халқаро платформалардаги ҳамкорлик истиқболли баҳоланади.

В) Икки томонлама ҳамкорлик келгусида ҳам йирик иштирокчиларнинг Марказий Осиё ва Жанубий Кавказдаги халқаро жараёнлардаги қизиқишлари

тўқнашуви контекстида самарали ривожланади. Бунда, иккала давлат ҳам ташқи кучлар орасида мувозанатини сақлаган ҳолда, ўзининг миллий қарашларини юқори даражада қониқтириш учун ҳаракат қилишлари керак.

Халқаро муносабатларнинг замонавий тизими шаклланиши шароитларида Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикасининг ўзаро ҳамкорлик масалаларини тадқиқ этиш қуйидаги асосий хулосаларга келишга имкон берди:

1. Мустақилликка эришган Ўзбекистон ва Озарбайжон халқаро муносабатларнинг замонавий тизимига кириш мақсадида ўз ташқи сиёсатининг стратегияси, тамойилларини ишлаб чиқишга ва устувор йўналишларини белгилашга киришдилар. Ташқи сиёсат асосий йўналишларининг халқаро ҳуқуқ меъёрларига мос келиши бу давлатларга жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси бўлишларига имкон берди.

2. Ўзбекистон ва Озарбайжон жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли субъектлари сифатида фаолиятнинг барча соҳаларида давлатлараро ҳамкорликни тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли асосда ўрнатдилар. Бундай хатти-ҳаракатлар учун Ўзбекистон ва Озарбайжон давлатлари раҳбарларининг расмий учрашувлари вақтида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида эришилган келишувлар ва шартномалар асос бўлди.

3. Давлатлараро муносабатларнинг устувор йўналишларидан бири иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик саналади. Тадқиқот шуни кўрсатдики, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва транзит алоқалар иккала томон учун ҳам манфаатли ҳолда анча жадал ривожланмоқда. Бу борада Ҳукуматлараро комиссиянинг фаолияти катта роль ўйнайди. Ушбу комиссия ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб беради, ўзгартиришлар киритади, икки давлатнинг товар айланмаси динамикасига ижобий таъсир кўрсатади.

4. Иқтисодий ҳамкорликнинг яна бир муҳим объекти инвестициялар ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидир. Кичик тадбиркорликни ривожлантиришда асосий ўрин қўшма корхоналар тузишга берилади. Қўшма корхоналар икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишларида самарали роль ўйнайди, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги иқтисодий интеграцияга кўмаклашади.

5. Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашда маданий муносабатлар муҳим роль ўйнайди. Бундай муносабатларнинг вужудга келиши ва ривожланишида асосий ўрин икки мамлакатнинг маданият вазирликларига, Ўзбекистондаги Ҳ.Алиев номидаги Озарбайжон Маданият марказига, “Ўзбекистон-Озарбайжон” дўстлик жамиятига ва икки мамлакат “халқ дипломатияси” деб аталадиган муносабатларининг ривожланишига улкан ҳисса қўшаётган бошқа маданият муассасаларига ҳақли равишда тегишлидир.

6. Ўзбек-озарбайжон муносабатлари асосан фан, таълим, туризм ва спортни қамраб олувчи гуманитар соҳадаги ҳамкорликнинг кўп қиррали шакллари кенгайиб бориши шарофати билан мустаҳкамланади.

Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикасининг ўзаро ҳамкорлиги масалаларини янада такомиллаштириш мақсадида қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

1. Мавжуд ўзаро манфаатли интеграция тизимини такомиллаштириш учун икки давлат ташқи ишлар вазирликлари ҳуқуқий майдон барпо этишлари мақсадга мувофиқдир, шунингдек қўшни давлатлар ҳудудидан фойдаланган ҳолда икки давлат энергетик ресурсларини жаҳон бозорига етказиш учун янги транзит маршрутлар ва транспорт йўлларини ташкил этишлари лозим.

2. Икки мамлакат соҳа вазирликлари, томонларнинг иқтисодий салоҳиятдан келиб чиққан ҳолда кенг тармоқли қўшма корхоналар тузиш учун шарт-шароитлар яратиши мақсадга мувофиқ. Икки мамлакат савдо айланмасини ошириш мақсадида, Ўзбекистонда ҳам, Озарбайжонда ҳам, савдо уйлари сонини кўпайтириш лозим.

3. Икки мамлакатнинг кучли илмий салоҳияти мавжудлигидан келиб чиқиб, икки мамлакат Фанлар академияси тизимидаги тадқиқотлар институти билан биргаликда Ўзбекистон ва Озарбайжон олимлари ўратасида ижтимоий-гуманитар, қишлоқ хўжалиги, нефть ва газ, тиббиёт, ҳамда муқобил энергетика соҳаларидаги қўшма илмий ишланмалар диапазонини кенгайтириш зарур.

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан олий ўқув юртлар ўқитувчилари ва талабаларининг ўзаро алмашинувининг таъсирли механизмларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Озарбайжондан Ўзбекистон, шунингдек, Ўзбекистондан Озарбайжон олий ўқув юртларига абитуриентларни жалб қилиш мақсадида ўқув дастурлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

5. Давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни туризм соҳасида ҳам кучайтириш лозим. Бунинг учун туристларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда янада жозибадор туристик маршрутларни ишлаб чиқиш, туристик фирма ва компанияларнинг ўзаро алоқаларини янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда ҳам, Озарбайжонда ҳам туристик инфратизим савиясини оширишга кўмаклашиш зарур.

6. Икки мамлакатнинг спорт соҳасидаги ҳамкорлигини янада фаоллаштириш фойдадан ҳоли бўлмас эди. Бунинг учун ўзаро тренерлар алмашуви бўйича махсус дастур ишлаб чиқиш, икки мамлакат спортчилари ўртасида ўқув-машқ йиғинлари ва ўртоқлик учрашувларини ўтказиш керак.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.11/30.12.2019.Tar/Yu/I/S/24.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВОЙ ЭКОНОМИКИ И ДИПЛОМАТИИ**

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АДЫГЕЗАЛОВ АЗЕР НАДИР ОГЛИ

**ВЗАИМНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
И АЗЕРБАЙДЖАНСКОЙ РЕСПУБЛИКИ В УСЛОВИЯХ
ФОРМИРОВАНИЯ СОВРЕМЕННОЙ СИСТЕМЫ
МЕЖДУНАРОДНЫХ ОТНОШЕНИЙ**

**07.00.05 – История международных отношений и внешней политики
07.00.01 – История Узбекистана**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.3.PhD/Tar298.

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.rektorat@uwed.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Нуриддинов Эркин Зухриддинович
доктор исторических наук, профессор

Официальные оппоненты: Рахимов Мирзохид Акрамович
доктор исторических наук, профессор

Киргизбаев Абдугаппор Каримжонович
доктор исторических наук, профессор

Ведущая организация: Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «23» сентября 2021 года в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.11/30.12.2019.Tar/Yu/I/S/24.01 при Университете мировой экономики и дипломатии (Адрес: 100077, г. Ташкент, проспект Мустакиллик, 54. Тел.: (998971) 267-67-69; факс: (998971) 267-09-00; e-mail: rektorat@uwed.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Университета мировой экономики и дипломатии (зарегистрирован за №4/379 Адрес: 100077, г. Ташкент, проспект Мустакиллик, 54. Тел.: (998971) 267-67-69).

Автореферат диссертации разослан «10» сентября 2021 года.
(реестр протокола рассылки №от «10» сентября 2021 года)


И.А. Хамедов
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.ю.н., профессор

О.А. Юсупджанов
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.ю.н.

А. Ходжаев
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.и.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Мировое сообщество на рубеже XX-XXI веков пережило коренные преобразования, характеризующиеся началом эпохи глобализации. Геополитические процессы мирового масштаба, связанные с завершением политики «холодной войны» и крушением мировой системы социализма, способствовали началу формирования современной системы международных отношений. В данный процесс по праву стали вовлеченными новые независимые государства, образовавшиеся на постсоветском пространстве. Такая миссия не стала исключением и для Республики Узбекистан. На сегодняшний день, Узбекистан осуществляет полномасштабную международную деятельность со всеми субъектами мирового сообщества, как на основе двустороннего, так и многостороннего сотрудничества.

Вопросы международных отношений и сотрудничества с участием новых независимых государств и, в частности Республики Узбекистан, входят в круг научных интересов ряда ведущих исследовательских центров США, стран Европы и Азии. В частности, Институт Центральной Азии и Кавказа (САСИ) при Совете американской внешней политики, Университет им. Дж. Вашингтона и курируемая им «Программа Центральной Азии», Германский институт международной политики и безопасности, Стокгольмский научно-исследовательский институт мира, а также Центр изучения Центральной Азии, Кавказа и Урало-Поволжья при Институте Востоковедения РАН (Москва) изучают историю, культуру, экономику и международную деятельность стран Центральной Азии и Кавказа. В силу этих причин и объективных потребностей времени, вопросы внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан обрели высокую актуальность в отечественной исторической науке. В данном контексте не является исключением научное осмысление аспектов взаимного сотрудничества Республики Узбекистан и Азербайджанской Республики.

Взаимное сотрудничество Республики Узбекистан и Азербайджанской Республики на фоне развивающейся современной системы международных отношений, строится на основе разработанной руководством страны стратегии, принципов и приоритетов внешней политики. В тоже время взаимные контакты двух братских государств, осуществляются, строго придерживаясь правовых основ, отраженных в Конституции страны. Более того, они полностью отвечают основным положениям, нашедшим свое отражение в пятом разделе «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»¹. Касаясь взаимсотрудничества братских государств и народов, следует отметить, что данному вопросу большое внимание уделялось со стороны лидеров двух стран. «Двусторонние отношения между Узбекистаном и Азербайджаном - отмечал Ш.М.Мирзиёев,

¹ Указ Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, за № УП-4947.

будучи премьер-министром Республики Узбекистан, во время открытия нового здания посольства Азербайджана в Узбекистане, - имеют большие перспективы, поскольку их развитие в политической, экономической, гуманитарной сферах отвечает коренным интересам наших стран и народов»².

Данная диссертационная работа может в определенной степени способствовать осуществлению задач, обозначенных в Законе Республики Узбекистан от 10 сентября 2012 года № ЗРУ-330 «Об утверждении концепции внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан», Указах Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» за № УП-4947 от 7 февраля 2017 года, «Об организации деятельности Общественного совета по новейшей истории Узбекистана при Академии наук Республики Узбекистан» за № ПП-3105 от 30 июня 2017 года и «О мероприятиях по коренному совершенствованию системы Министерства иностранных дел Республики Узбекистан и усилении его ответственности за реализацию приоритетных направлений внешнеполитической и внешнеэкономической деятельности» от 5 апреля 2018 года, а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Вопросы внешнеполитической и внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан представляют сравнительно новое направление в отечественной исторической науке. Отдельные аспекты данной деятельности нашли свое отражение и в трудах зарубежных ученых. В связи с этим, всю имеющуюся по данной тематике научную литературу можно разделить на следующие группы:

исследования, выполненные отечественными учеными;
научные труды зарубежных авторов.

Важное место в изучаемой проблематике отводится исследованиям первой группы, которые условно разделены на два направления.

Первое направление составляют публикации начального этапа независимости. В периодической печати опубликован ряд статей, в которых содержится лишь обзор или фрагментарно освещены отдельные стороны изучаемой проблемы. Определяющее место в этих публикациях занимали небольшие по объему, но информационно насыщенные исследования. К их числу следует отнести научные статьи М.Жамолова, И.Турсунмухамедова, М.Рахманкулова, З.Убайдуллаева, С.Салихова, Н.Садыкова, Г.Разумовского,

² Выступление премьер-министра Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева на церемонии открытия нового здания посольства Азербайджана в Узбекистане / Научно-информационная библиотека Национального архивного управления Азербайджанской Республики (далее НИБНАУАзР). Бакинский рабочий. – 2004. – 30 марта.

И.Тухлиева и других³. В публикациях представленных авторов, прослеживались отдельные фрагменты эволюции экономических, научно-технических и культурных связей Узбекистана с зарубежными странами.

Второе направление составляют крупные исследования монографического плана. Последовательное расширение горизонта научно-исследовательского поиска, обогащение научно-методологических представлений о динамично развивающихся процессах вхождения независимого Узбекистана в мировое сообщество и их воздействие на ход обновленческих реформ в республике позволил перейти от эмпирического анализа в объемно небольших работах к крупным исследованиям монографического плана. Среди таких работ выделяются труды следующих авторов: А.Алимова, М.Бабаходжаева, А.Расулева, А.Бедринцева, А.Акилова, А.Касымова, И.Васькина, С.Шараповой, Э.Нуриддинова, А.Киргизбаева, Л.Бабаходжаевой, М.Рахимова, коллективная монография под руководством Р.Фармонова, Ш.М.Абдуллаева⁴ и других.

Несомненный интерес представляют диссертационные исследования, посвященные вопросам внешней политики и международного сотрудничества Республики Узбекистан. В целом в них рассматриваются место и значение внешней политики и дипломатии Республики Узбекистан в формировании современной системы международных отношений, приводятся теоретически обоснованные выводы перспектив развития и интеграции страны в мировое политическое, экономическое и культурно-гуманитарное пространство⁵.

³ Жамолов М. Чиқиндидан олтин олинади // Иқтисод ва ҳисобот, 1993, № 5. – Б. 18-19; Турсунмухамедов И.Г. Совместные предприятия и проблемы их развития // Общественные науки в Узбекистане. 1993. № 11-12. – С. 22-26; Рахманкулов М.Х., Убайдуллаев З.С. Формирование системы правового регулирования внешнеэкономической деятельности Узбекистана // Общественные науки в Узбекистане, 1994, № 9-10. – С. 3-7; Салихов С.С. Выйти на внешний рынок // Экономика и статистика. 1995. № 5-6. – С.10-12; Садыков Н. Международные фонды поддерживают узбекистанских ученых // Экономика и статистика. 1996. № 1. – С. 10-12; Разумовский Г. Государственное регулирование сельскохозяйственного производства в Узбекистане и США // Экономика и статистика. 1996. № 6. – С. 32-34; Тухлиев И. Халқаро тажрибаларнинг афзалликлари // Иқтисод ва ҳисобот. 1996. № 2. – Б. 16-19 и др.

